*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 19 (9255). • 1988 йил 27 январь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!**



● ХАСАН Собиров пойтахтнинг Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи 2-механика цехининг илғор токари. Унинг ишчи жомакорини кийганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида ўз касбини қунт билан пухта ўзлаштирди. Ҳозирги кунда иш нормаларини ҳамиша 120 процентдан бажармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

## МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИДАН

- Колхоз намунавий устави лойиҳаси юзасидан таклифлар
- *Ўрнига тушмаган қурилиш*
- Шиша идишлар муаммоси
- Йигирма йиллик ноқулайлик

## ИМКОНИЯТ БЕРИЛГАЧ...

КОЛХОЗИМИЗДА амалга оширилаётган қайта қуришнинг дастлабки натижалари кўзга ташланиб қолди. Ўтган йили анча вақтдан буён биринчи марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашнинг барча турлари бўйича зиммага олинган планларни бажардик.

Олдинлари энг қолоқ хўжалик ҳисобланган колхозимиз ҳозирги пайтда давлат олдидаги узоқ муддатли қарзларни тўлашга киришди. Буларнинг ҳаммаси колхозда ишни ташкил этишда илғор усуллардан фойдаланаётганлигимиз, ҳар бир тармоқда қайта қуриш тўғри амалга оширилаётганлиги натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда колхозчилар муҳокамасига тақдим этган колхознинг намунавий устави лойиҳасини янада қизиқиб, мамнун бўлиб кутиб олдилар. Чунки, унда колхоз имкониятлари янада кенгайтирилган.

Айни кунларда агитатор ва пропагандистларимиз ўзлари олиб бораётган ўқув машғулотларида лойиҳани муҳокама қилишга киришдилар. Лойиҳадаги колхозчининг бурч ва мажбуриятлари, колхоз билан ташкилотлар ўртасидаги шартнома шартларининг бажарилиши, хўжалик ҳисобини ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги киритилган ўзгартишлар, айниқса, кўпчиликни қизиқтирмоқда. Ана шу масалалар хусусида мунозаралар, лекция ва суҳбатлар бўлаяпти.

Колхозчиларимиз муҳокама чоғида лойиҳада кўрсатилган янги-янги имкониятлар ҳақида мамнуният билан гапирмоқдалар, уни қўллаб-қувватламоқдалар. Шулардан бири ҳақида икки оғиз сўз. Колхозимиз сабзавоткорлари айни пишиқчилик пайтида маҳсулотларини топшира олмай овора бўлишади. Бунинг сабаби, биз РАПОнинг кўрсатмасисиз бирон қабул пунктига ҳам маҳсулот сота олмас эдик. Натижада, не-не машаққатлар эвазига етиштирилган маҳсулот сифати бузилиб, нобуд бўлар эди. Янги уставда бундай ўзибўларчилик қолларига кескин барҳам берилади. Колхоз энди маҳсулотни реализация қилишга ўзи хўжайин.

Устав лойиҳасидаги меҳнаткашларни қувонтирган яна бир нарса — пудрат масаласидир. Нега десангиз илгари Уставда пудратни жорий этиш ҳақида банд йўқ эди. Бу лойиҳада колхоз билан бригада, оила ва коллектив бўлиб шартномалар тузган ҳолда пудратда ишлаш имконияти жуда кенг кўрсатиб ўтилган.

Қайта қуриш инсон омилини кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шундай экан, янги устав тасдиқлангач, колхозчиларимизни уй-жой билан таъминлаш уларга социал, маданий-маиший хизмат объектлари қуриб бериш, шунингдек, колхозимизда меҳнат қилаётган ёшларимиз учун замонавий клублар ташкил этиш имкониятига эга бўламиз.

Мен ревизия комиссияси раиси бўлганлигим учун устав лойиҳасидаги ўз ишимга боғлиқ айрим бандларига аниқлик киритилишини таклиф этардим. Масалан, уставнинг 10-боб 56-бандида кўрсатилган **ревизия комиссиясининг таклифлари навбатдаги умумий йиғилишда, колхоз правлениесига киритилган таклифлар эса ўн кун мобайнида кўриб чиқилади,** деган жумлаларни 10 кун ичида эмас, балки правление йиғилишида, яъни бир ой ичида кўриб чиқилса, деб ўзгартирилса яхши бўларди. Ана шунда таклиф ва мулоҳазалар атрофлича ўрганиб чиқилади.

**Ҳ. ҚОСИМОВ,**
**Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз ревизия комиссиясининг раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

23 январь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат плани ҳамда давлат бюджетининг ва шу беш йиллиқнинг икки йилига белгиланган топшириқларнинг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди, шунингдек 1988 йилда халқ хўжалик комплекси фаолиятини яхшилаш соҳасидаги вазифалар белгиланди. Шу нарса қайд этиб ўтилдики, партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг экономикага раҳбарликни қайта қуриш ҳамда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон ССРда амалга оширилаётган ишлар халқ хўжалиги тармоқларида муайян ижобий силжишларни таъминлади. 1986 йилга нисбатан ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромад кўпайди, саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ошириш, социал маданий объектларни ишга тушириш планлари бажарилди, дон маҳсулотлари, сабзавот, чорвачилик маҳсулотларининг айрим турларини харид қилиш кўпайди.

Шу билан бирга, мажлисда 1987 йилнинг якунлари республика халқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолаётганлигидан далолат бераётганлиги қайд этиб ўтилди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан тараққиётнинг экстенсив омиллари ишга туширилишига таянади. Вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ҳамда илмий-техника потенциалидан, аграр секторнинг имкониятларидан етарлича самара билан фойдаланилмаяпти. Иқтисодий ривожланиш суръатлари ўн иккинчи беш йилликнинг план топшириқларига нисбатан секинлашди. Саноатда ўсиш суръатлари 1986 йилда эришилган даражага нисбатан 3,6 процент, меҳнат унумдорлиги эса 3 процент пасайди, маҳсулот ҳажми 1,8 баравар, Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги бўйича — 1,7 ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги бўйича 1,3 баравар кўпайди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида, айниқса Андижон, Бухоро, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳрида мавжуд қувватларни ишлатишда ҳамон паст даража сақланиб қолмоқда. 26 та министрлик ва идора, шу жумладан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Главсредазирсовхоз строй, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси фан ва техникани ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларни уддаламадилар.

Республика агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (Қурбонов, Антонов, Эсканов, Қосимхўжаев ўртоқлар) ва шу комитет маҳаллий органларининг раҳбарлари йилнинг асосий техникавий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари бажарилишини таъминламадилар. Пахтанинг ўзидангина 862 минг тонна кам ҳосил йиғиштириб олинди, шоли, маккажўхори, картошка, мева ва резавор мева, узум, полиз маҳсулотлари ва қоқиларни давлат йўли билан харид қилишнинг планлаштирилган ҳажмларига эришилмади. Қарийб барча областлар давлат секторида гўшт харид қилиш планини барбод этдилар. Натижада аҳоли, айниқса Тошкент шаҳри аҳолиси гўшт маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаб турилмади. Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузиш ҳамда чигитни ҳисоб-китобдан яшириб, пландан ташқари экиш каби фактлар яна аниқланди.

(Давоми 3-бетда).

## БУ — ХОМ АШЁ ЭМАСМИ?

ЭЪТИРОФ этиш керак, бизда шиша идишларни қабул қилиб оладиган маҳсус пунктлар оз эмас. Бинобарин, бир қарашда аҳоли учун бўшаган шишаларни топшириш муаммоси ҳал этилган. Бироқ бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ҳали кўпгина қийинчиликлар палапартишликлар мавжудлиги маълум бўлади.

Чунончи, баъзи шиша идишларнинг оғзи бироз учган бўлади. Қабул пунктидаги савдо ходимлари ана шу баҳонага ёпишиб олиб, шишаларни қайтариб юборадилар. Натижада хонадонларда шундай арзимас нуқси бўлган шиша идишлар қўплаб тўпланиб қолмоқда.

Хўш, бу шишаларни нима қилиш керак? Наҳотки кераксиз матоҳ сифатида ташлаб юборилса? Наҳотки уларни маълум шартлар асосида йиғиштириб олиб, қайта ишлаш мумкин бўлмаса? Ахир, кўпинча шиша идишларнинг тақчил бўлиб туришини биламиз-ку.

**И. ЗИМИН,**
**меҳнат ветерани, пенсионер.**

## МУЗЕЙ ОЛДИДАГИ ДОҒ

РЕСПУБЛИКА табиат музейининг ташкил этилганига 110 йилдан ошиб кетди. Ҳамон унга келувчиларнинг кети узилмайди. Бу ерда бўлган ҳар бир киши серқуёш республикамизнинг гўзал табиати, кенг пахтазорлари, адир ва аралаш тоғ-ўтлоқли чўл зоналари, ёнғоқзорлари, арчазор ва пурвиқор музли тоғ чўққилари, ранг-баранг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан яқиндан танишади.

Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, шунча йиллардан бери кишиларга маънавий озиқ бериб келаётган бу маскан олд томони ҳозирги кунда қандайдир ғишт деворлар билан тўсиб ташланган.

— Музейимизни ҳар йили 180—190 мингга яқин киши келиб кўради, — дейди катта илмий ходим Абдувосит Ҳамидов. — Улар асосан студентлар, мактаб ўқувчилари, Иттифоқимиз ва чет эллардан келган туристлардир. Улар музейдан олган таассуротларини музейнинг «Таклифлар ва мулоҳазалар» дафтарига битадилар.

Музей олдидаги чала қурилиш кўпчиликнинг ғашини келтираяпти. Район ошоналар тресті бу ерни енгил таомлар ошонасига мўлжаллаган эди. Лекин қурилиш бошланди-ю, ташланди. Эндиликда у музей рўпарасини хира қилиб турибди. Қурилиш ҳеч ўрнига тушмаган. Биномиз Октябрь колхоз бозори ёнида жойлашган. Ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорга келтирган айрим деҳқонлар, чиқиндиларни, шунингдек маҳаллий аҳоли уйларидан чиққан ахлатни шу чала объект орқасига ташлашмоқда. Натижада антисанитария ҳолати вужудга келди.

Музей ҳуснига доғ бўлган бу қурилишни бошқа жойга кўчириш лозим. Октябрь район Совети ижроия комитетининг раҳбарлари бозор айланишганда мана шундай кам-кўстларга ҳам бир назар ташлаб қўйишса ёмон бўлмасди.

**Музей ходимлари номидан**
**М. БОТИРОВА.**

## «ЯНГИОБОД»НИНГ ЭСКИ ДАРДЛАРИ

ТОШКЕНТнинг Янгиобод массиви қурилишига асос солинганига йигирма йилдан ошди. Аммо афсуски, ўшанда асос пухта бўлмаган экан. Сабаби — аҳолини овора-ю, сарсон қилаётган камчиликлар ҳамон тугамаяпти.

Массив қурилиши планлаштирилганда фақат озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган магазинлар эътиборга олинган шекилли, маданий моллар магазинлари қурилмаган. Аҳоли телевизор, радио ва мебель буюмлари олиш учун шаҳар марказига қатнайди. Массивда китоб дўкони йўқ. Ҳатто, мактаб болалари ҳам ўқув қуролларини массивнинг ўзидан тополмайдилар.

Шундай катта массивда битта бўлса ҳам ҳаммом қурилганида хурсанд бўлган эдик. Аммо қурилгандан бери бир кун ишласа, икки кун ишламайди, чунки боши ремонтдан чиқмаяпти. Массивга яқинроқ жойлардаги бошқа ҳаммомларнинг ҳам аҳволи шундай.

Кўчаларимизнинг аҳволи, айниқса, ёмон. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади, лекин аҳвол ўзгармаяпти. Бастакор, Икромов, Алиев, Миршаропов кўчалари анча вақтдан бери асфальтга муҳтож. Малиновский ва Мурувват кўчалари оралиғидаги Ҳамза проезди эса, умуман, 20 йилдан буён асфальт кўрмаган.

Бизни бир нарса ажаблантиради: массивдаги бундай аҳволдан тегишли ташкилотлар раҳбарларнинг хабарлари бормикан? Агар бор бўлса, нима учун аҳвол тузалмаяпти ёки қайта қуриш ҳали идоралардан ташқарига чиққани йўқми?

**А. ЮСУПОВ,**
**ишчи-мухбир.**

*• Мусобақа кундалиги*

## КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЎН ИККИНЧИ беш йиллиқнинг учинчи йилини Чиноз райони чорвадорлари кўтаринки руҳ билан бошладилар. Давлатга сут сотиш ўтган йилларга нисбатан кўпайди. Бир қатор колхоз ва совхозлар жумладан «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Чиноз наслчилик совхоз-техникуми чорвадорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига мусобақани авж олдириб гўшт сотиш квартал планини ортиғи билан адо этдилар.

Бу борада «Янгиобод» совхози эришган ютуқ салмоқли бўлди. Хўжалик бўрдоқибоқарлари ўн беш кундаёқ давлатга 50 тонна гўшт сотдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни салкам 400 килограммни ташкил этди.

Умуман район бўйича ҳозиргача 209 тонна гўшт тайёрланди.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

## ПУДРАТ АСОСИДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги автотранспорт экспедицияси комбинатида хўжалик ҳисоби элементлари тобора кенг жорий қилинмоқда. Юбилей йилида 15 бригада пудрат асосида ишлай бошлаган эди. Уларнинг меҳнат кўрсаткичлари юқори бўлди. Жумладан, Валерий Ромачев етакчилигидаги бригада ҳайдовчилари пландаги 27 минг 900 тонна ўрнига 39200 тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бердилар. Йиллик план 140,5 процент қилиб бажарилди.

Шунингдек, комбинатнинг Сергей Ефремов, Ўктам Мирзалиевлар етакчилигидаги бригадалари аъзолари ҳам ўтган йил планларини 20—40 процент ортиғи билан якунлашга муваффақ бўлдилар.

Комбинатда бу илғор иш системасига ўтиб ишлашни хоҳлаётган коллективлар сони тобора ортиб бораяпти. Шулардан бири Дониёр Орипов етакчилигидаги бригада ҳайдовчиларидир. Улар ўзлари ташаббус билан чиқиб, янги йилнинг дастлабки кунларида бригада пудратига ўтиб ишлай бошладилар. Бу эса корхонада транспорт хизматини яхшилашнинг муҳим омили — тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишни тезлаштириш имконини беради.

**Ҳ. ЗАЙНИЛОВ.**

# ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ БИЛИБ ҚИЛСИН

**ИЖРОКОМНИНГ бу галги кўчма мажлиси Бўка районида ўтказилди. Область бўлимлари ва бошқармалари ходимларидан иборат группалар ўз соҳалари бўйича районни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳволини 4—5 кун давомида атрофлича ўрганди ва мажлис муҳокамасига материал тайёрлади.**

МУҲОКАМА уй-жой қурилишининг аҳволидан бошланди. Шундай бўлиши керак эди. Ҳозир энг муҳим масала — 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида уй ёки квартира билан таъминлаш. Республика Олий Советининг еттинчи сессияси конкрет программа белгилади. Бу программага мувофиқ 40—50 процент уй-жой меҳнат коллективлари ва аҳолининг маблағи ҳисобига қурилиши керак. Агар районда 1987 йилда 29 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1996 йилга бориб 76 минг квадрат метрга етиши яъни ҳозирги суръат 2,5 баравардан кўпроқ тезлашиши керак. Демак, ҳозир ҳар бир корхона, ташкилот ва хўжалик ўзининг уй-жой қуриш программасига эга бўлиши керак. Аммо афсуски, бу муҳим масала районда ҳали ҳал этилгани йўқ. Шу пайтгача бирор меҳнат коллективи қанча уй-жой қуриши кераклигини аниқ билмайди.

Масала жиддий, хотиржамликнинг пайти эмас. Агар ҳозирдан жадал ҳаракат қилиб, конкрет программа белгилаб олинмаса, кейин кеч бўлади, режа бузилади, аҳолини уй-жой билан таъминлашга улгурилмайди.

Иккинчидан, камида 40 процент уй-жойни ўз маблағига қуриш учун соф даромад ҳам бўлиши керак. Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, соф даромадни кўпайтиришнинг йўлларидан бири аҳолига пулли хизмат кўрсатишни кенгайтиришдир. Бироқ, Бўка райони худди шу масалада оқсамоқда. Район корхона, ташкилот ва хўжаликлари бу соҳага иккинчи даражали масала, деб қарамоқдалар. Жуда кўп меҳнат коллективлари ҳали ўз планларига ҳам эга эмаслар.

Ҳамма ерда уй-жой қурилиши масаласи биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги кунда райондаги 148-ремонт қурилиш бошқармаси пулли хизмат кўрсатиш топшириғини бор-йўғи 13 процент бажаргани, айниқса ажабланарлидир. Бир ёқда якка тартибда уй қуришга кенг йўл очиб берилсаю, ремонт-қурилиш ташкилотлари эътиборсиз бўлсалар, аҳолига ёрдам беришни ўйламасалар, буни қандай баҳоламоқ керак?

Районда пулли хизмат кўрсатишнинг яна бир қулай имконияти қўлдан бой берилмоқда. Ички ишлар бўлимининг маълумотига қараганда хонадонларда 2300 дан кўпроқ шахсий енгил машина бор. Агар Бўка шаҳридаги иккита автокорхонада ўша шахсий машиналарга пулли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилса, мижозларнинг кети узилмаслиги аниқ. Бунинг бошқа фойдали томони ҳам бор. Чунончи, шахсий машиналар вақтидан созлаб турилганлиги учун авариялар камаяди.

Умуман, районда пулли хизматни йўлга қўйиш ва планларни белгилашда эътиборсизлик, палапартишлик, бошбошдоқликлар мавжуд. Тартиб бўйича пулли хизмат кўрсатиш планини маҳаллий Совет белгилайди, хўжалик органлари эса таклиф киритиши мумкин. Лекин амалда бундай бўлмаяпти. Корхона, ташкилот ва хўжаликлар маҳаллий Советлар белгилаб берган планни ўзбошимчалик билан ўзгартириб олмоқдалар.

Районда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам қониқарли эмас. Агар ҳар бир киши ҳисобига район бўйича бир йилда 15 сўмлик маиший хизмат кўрсатилаётган бўлса, Бўка шаҳрида 60 сўмданга тўғри келади. Чунки, жами маиший хизмат корхоналарининг 90 процента шаҳарда жойлашган. Қишлоқларда эса аҳвол мутлақо бошқача. Ҳатто шундай аҳоли пунктлари ҳам борки, маиший хизматнинг аҳволини тўғри тасаввур қилиш учун қуйидагича ўхшатиш қилиш мумкин: бир киши бир йилда бир марта бир сўмга соч-соқол олдиради, холос. Буни маиший хизмат, деб аташнинг ўзи ноўрин.

Энди мана бу рақамларнинг маъзини чақайлик. Район аҳолиси бир йилда ўртача олти марта кинофильм томоша қилар экан. Нега? Ахир шаҳарда 700 ўринли кенг экранли кинотеатр бор-ку? Ҳа, ҳамма гап шунда-да. Тескариликни қарангки, бу кинохонада фақат кино қўйилмайди холос, бошқа ҳар қандай йиғинлар, тадбирлар тўхтовсиз ўтказиб турилади.

Кўпгина хўжаликлар ўз клубларига эга. Лекин бу данғиллама иншоотлар хўжаликка, аҳолига нима бераяпти? Рўй-рост айтадиган бўлсак, ҳеч нарса. Улар хўжа кўрсинга қурилгандек, қишин-ёзин ҳувиллаб ётади. Йилига бир-икки марта ўтказиладиган ҳисобот йиғинлари бундан истисно, албатта. Бу клубларда мунтазам кинофильмлар намойиш қилиш мумкин-ку, ахир. Бунинг учун ортиқча бош ҳам қотириш керак эмас, жўнгина йўли бор. Чунончи, область кинолаштириш бошқармаси хўжаликлар билан келишиб, шартнома тузса бас, тушум ўртада тенг баравар бўлинади. «Нега энди, — дейишади бошқарма раҳбарлари, — кинони биз қўйсагу, хўжалик пулга шерик бўладими, унда ўзимизга нима қолади?» Мантиқни қаранг. Ахир бекор ётган клублардан ҳозир бошқармага бир тийинлик наф йўқ-ку? Таклиф амалга ошгандан кейин эса ярми бўлса ҳам ахир пул тушиб туради. Бу ун томонлама, яъни бошқарма билан хўжаликка моддий, аҳолига эса маънавий фойда-ку! Хуллас, кинолаштириш бошқармасининг «сенга ҳам йўқ, менга ҳам йўқ» қабилида иш тутаётганлиги кўпроқ қишлоқ аҳолисига, айниқса ёшларига зарар бўляпти.

*Область Совети ижроия комитетининг кўчма мажлиси*

Район савдо тармоқларида ўзбошимчалик, харидор ҳисобига шахсий бойиш, айниқса авж олган. Магазинларда 3 сўм 15 тийинлик вино бемалол 4 сўмдан сотиляпти. Фермаларга ун олиб бораётган савдо ходимлари қопига 13 сўм ўрнига 15 сўмдан олиб, бунинг устига қопини қайтариб бериш ёки пулини талаб қилишяпти. Район ижроия комитети, халқ контроли комитети, ички ишлар бўлими, БХСС ходимлари қаёққа қарашяпти? Областдан келган махсус группа аъзолари 3—4 кун ичида ҳамма қилвирликларни илғаб олишибди-ю, кунда-шунда бўлган контроль ташкилотлари ходимлари ҳеч нарсани кўришмапти-да? Буни қандай тушунмоқ керак? Нима, уларнинг савдо ходимлари олдида тиллари қисқами?

Бу саволлар жавобсиз қолмайди, деб ўйлаймиз. Чунки, кўчма мажлисда область матлубот жамиятлари правлениеси раиси У. Мираюповга конкрет топшириқ берилди. У бу масалани охиригача етказиши, айбдорларни жазолаши, нолойиқ кишиларни савдодан четлаштириши керак.

Халқ маорифи соҳасидаги ишларни қайта қуриш, ислоҳотни амалга ошириш сезилмаяпти. Мактаблар етишмайди, борларининг моддий-техника базаси ёмон. Планлаштирилган иккита мактабдан биттасинигина қуришга киришилди. Иккинчисининг эса ҳали лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам тайёрланмаган.

Болалар боғчаси бир неча йилдан бери қурилмаяпти. Райондаги ҳар уч боладан бирига жой бор, холос. Ҳозир Бўка шаҳрининг ўзида 1850 она ўз боласини боғчага жойлаштириш учун навбат кутиб турибди. Бу аҳволда уларнинг эҳтиёжи нечанчи йилга бориб қондирилади?

Яна бир ачинарли факт: Бўка райони болалар ўлими ва юқумли касалликлар бўйича областда биринчи ўринда туради. Бунинг сабаби бир эмас, бир нечта. Чунончи, марказий район касалхонасидан бошқа ҳамма даволаш муассасаларидаги шароит талабга жавоб бермайди. Айниқса, фельшерлик-акушерлик пунктлари бинолари ночор аҳволда. Ҳисобдаги ана шундай пунктларнинг иккитаси медицина ходимининг уйида жойлашган экан. Иккинчидан районда 250 нафар врач етишмайди. Учинчидан, аҳоли истеъмол қиладиган ичимлик сувлар тозаланмайди, зарарсизлантирилмайди.

Ўзи арзимаган бўлишига қарамай, бир йилдан бери судраб келинаётган яна бир чала иш бор. Бу — қозонхонага газ олиб келиш масаласи. Капитал қурилиш бош бошқармаси, уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ва шу ишга алоқадор бошқа ташкилотлар «бу менинг ишим эмас, сенинг ишинг» деб бир-бирларига тўнкаб келишяпти. Йўқ бу билан иш битмайди. Шунинг учун бу масалани бир ойлик муддат ичида ҳал этиш вазифаси кўчма мажлис қарорига киритиб қўйилди. Демак, бу масалага яна қайтилади, қайтилганда ҳам талаб қатъий, жазо ҳам шунга яраша бўлади. Агар бошидан ҳар ким ўз ишини билиб қилганида бунга ҳожат қолмасди, албатта.

Мажлисда районни газлаштиришни тезлаштириш юзасидан ҳам фойдали таклифлар бўлди. Масалан, давлат йўли билан йилига 2 километр узунликда газ қувурлари ётқизиш имконияти бор, холос. Аммо буни бир неча баравар тезлаштириш, айтайлик 10 километргача етказишнинг иложини қилса бўлади. Бу соҳада тайёр тажриба ҳам бор. Ҳозир Тошкент ва Коммунистик районларида тузилган қурилиш кооперативлари жуда яхши иш бераяпти. Бўка районида ҳам шундай кооператив тузилса, газлаштириш учун зарур бўладиган ҳамма материалларни магазинлардан сотиб олиш, иш ҳақини тўлаш имкони туғиларди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир ҳамма соҳаларда изланиш, янгиланиш даври, ташаббус кўрсатиш, янгиликларга дадил қўл уриш даври. Бошқарув механизмини такомиллаштириш, тўла хўжалик ҳисобига ўтиш, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш, ўзини маблағ билан таъминлаш шунга даъват этмоқда.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

Бўка районида социал-иқтисодий ривожланиш оқсаётганлиги, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маданий-маиший шаҳобчалар қурилиши сust олиб борилаётгани ва уларнинг бордиган ҳам ўдданлаб фойдаланилмаётгани ҳақидаги мақолани газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз.

# ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Илгари хабар берилганидек, 23 январда Тошкент область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлди. Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «Қайта ишлаш саноати ва агросаноат комплекси озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш базаларини жадал ривожлантиришни таъминлаш юзасидан область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Шундан сўнг доклад юзасидан музокаралар бошланди.

— Олдимизда турган энг муҳим вазифа маҳсулот сифатини кескин даражада оширишдир,— деди «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси партия бюроси секретари **Д. М. Микулова.**— Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаётганлиги учун ҳам коллективимиз пленум ва йиғилишларда ҳамиша танқид остига олинмоқда. Ўтган йилги бир текширувда 300 тонна маҳсулотнинг 62 тоннаси бракка чиқарилди. Сутка давомида тайёрланаётган маҳсулотларнинг 60 проценти Давлат стандарти талабларига жавоб бермаяпти.

Технологик интизом устидан назоратнинг бўшлиги, техника восталарининг эскилиги, жараёнлар зарур даражада автоматлашмаганлиги учун ҳам маҳсулотнинг бир қисми бракка чиқиб кетаяпти. Технологик совуқлик билан таъминлаш масаласи цехларда неча йиллардан бери ҳал этилмай келиняпти. Ҳозир ҳам бу масала муаммолигича қолмоқда. Партия бюроси маъмурият фаолияти устидан бўш назорат ўрнатганлиги, мутахассислар ишини мунтазам координация қилиб бормаётганлиги оқибатида ишлар дуруст юришмаяпти.

Бирлашманинг ўз омборхонаси йўқ. Бунинг оқибатида кўпгина қимматбаҳо ускуналар очиқ ҳавода сақланмоқда. Пировардида уларнинг бир қисми ўрнатилмай ишдан чиқмоқда. Идишлар ва картонаж цехи ҳам йўқ. Бошқа соҳаларда ҳам кўпгина муаммолар бор. Буларнинг ҳаммаси планларнинг бажарилишига ва маҳсулот сифатини яхшилашга тўсқинлик қилмоқда.

Бу йил планимизнинг бажарилиши ҳам хавф остида турипти. Чунки асосий хом ашё ҳисобланган пюренинг йўқлиги учун зефир ишлаб чиқариш тўхтаб қолаяпти. Область агросаноат ва давлат агросаноат комитетлари бизни шундай аҳволга солиб қўймоқда. Корхонамизда социал-маиший масалалар ҳам ниҳоятда қониқарсиз ҳал этилаяпти.

«Ташмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Н. А. Муҳиддинов** маҳсулотлар хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Корхонада идишлар тақчиллиги сезилаётганлиги учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда бир қатор қийинчиликлар туғилмоқда. Қадоқланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан эришилган даража истеъмолчиларни ҳам, бирлашма ходимларини ҳам қониқтирмаяпти. Бу йил ажратилган полистирол ленталар пархез творог лар, «Янтарь» сири, қутичага солинган сметаналар ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини бор йўғи 800 тоннага кўпайтириш имконини беради. Бунда қадоқлаш ускуналаридан атиги 20 процент фойдаланилади. Бу ҳол маҳсулотлар хилини кенгайтиришга жиддий тўсиқ бўлаяпти.

Полистирол стаканчалар, пластмасса яшчиклар ажратиш бўйича аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу соҳадаги муаммолар агросаноат комитетига маълум бўлса-да, бирор чора кўрилмаяпти.

Бугунги кунда бирлашмамиз Янги Тошкент консерва комбинати билан ҳамкорликда сут маҳсулотларига қўшиладиган олма ва узум шарбати сифатини яхшилаш масалаларини кўриб чиқмоқда. Камёғли ва ёғли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Кўрилаётган тадбирлар маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Биз сифатсиз маҳсулот чиқараётган кишиларга нисбатан талабчанликни оширмоқдамиз. Брак ҳоллари чуқур таҳлил қилиниб, айбдорлар жазоланмоқда.

Кўпгина хўжалик раҳбарлари фермаларда сутни совутиш технологиясига тўла амал қилмаётганликларини ҳам айтиб ўтиш керак. Совутиш ускуналари бўлган тақдирда ҳам улардан мунтазам ва унумли фойдаланилмаяпти. Биз билан бевосита алоқа боғлаган Бўка районидаги 14 та хўжалик, Пискент районидаги 7 та хўжалик, Ўрта Чирчиқ районидаги 11 та хўжалик, Янгийўл районидаги 10 та хўжаликда сут умуман совутилмай жўнатилади. Бирлашмамиз корхоналари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш системасига ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Эндиликда ҳар бир жараённинг аниқ бажарилиши устидан назорат кучаяди.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **В. Н. Журавлев** самолётсозлар Озиқ-овқат программасини ҳал этишда қандай иштирок этаётганликлари тўғрисида гапириб берди. Корхона ёрдамчи хўжалигининг биринчи навбати қуриб битказилган. У йилига 184 тонна гўшт, 240 тонна сут, 25 тонна асал етказиб бераяпти. Бу йил коллектив 1,5 минг гоз боқиладиган ферма қуришга тайёргарлик кўраяпти.

Ўтган йили 2,5 минг тонна мева ва сабзавот сақланадиган омборхона қурилган эди. Май ойида эса гўшт маҳсулотларини дудловчи участка ишга туширилади. Корхона территориясида ярим тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи каттагина магазин ишлаб турибди. Энди қўзиқорин етиштириш бўйича участка қуриш учун ҳужжатлар ҳозирланмоқда.

Коллектив Давлат агросаноат комитетига қарашли корхоналарни жиҳозлашда ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йили кафеларда табака тайёрловчи гриль-шкафларнинг биринчи партияси жўнатилди. Бу йил 200 та шундай шкаф тайёрлаш мўлжалланмоқда. Келаси йили эса 800 та шкаф тайёрланади. Пакет тайёрловчи автоматлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Гўшт, сут саноати корхоналари учун эса зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Корхона яна кўпгина агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар билан озиқ-овқат саноатига ёрдам беришга қодир. Лекин айрим ускуналар учун буюртмачи топилмаяпти. Агросаноат комитети самолётсозлар билан яқиндан алоқа ўрнатса ёмон бўлмасди.

— Қисқа вақт ичида винодан шарбат ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ўтдик,— деди «Ташкентвино» комбинати технологи **М. К. Отабеков.**— Илгари спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи цех эндиликда мармелад тайёрловчи участкага айлантирилди. Яна бир линия «Крюшон» қўйиб чиқаришга мослаштирилди. «Паркент» филиали линияларини қайта қуриш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда комбинат қувватининг 35—37 процентидан фойдаланилаяпти. Олдимизда янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифаси турипти. Бунинг учун ускуналарни жиҳозлаш ва янги технологияни жорий этиш лозим бўлади. Шу масалада юқори ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик, буюртмалар бердик. Ҳозирча ҳеч қандай натижа кўринмаяпти. Айниқса, мармелад ишлаб чиқариш учун асосий компонент ҳисобланган пектинни тошиш қийин бўлаяпти. Энди уни тайёрловчи қурилмани ўзимиз қуришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш соҳасида ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим. Ҳозирча бир қатор юмушлар қўл кучи билан бажариляпти. Унумдорликнинг ва сифатнинг пастлиги шундандир.

— Биз матлубот жамияти имкониятларидан ҳали ҳам самарали фойдалана олмаганлигимизни тан олишимиз керак, — деди область матлубот жамияти правлениеси раиси **У. М. Миркаюпов.**— Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишда кундалик зарур товарлар билан таъминлашда кўпгина узилишлар содир бўлаяпти. Умумий овқатланишни, айниқса, ўқувчиларнинг овқатланишини яхши уюштиришда кўп нуқсонлар бор. Маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлашнинг янги қувватларидан ёмон фойдаланилаяпти, Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Оҳангарон районларидаги омборхоналар бўш турипти. Янгийўл районидаги 100 тонна маҳсулот сиғадиган холодильник, сабзавот ва картошка сақланадиган омборхоналардан унумли фойдаланилмаяпти.

Бу йил ишлаб чиқариш ва тайёрлов фаолиятимизни такомиллаштириш мақсадида ҳар бир районда матлубот тайёрлов саноати тузишга қарор қилдик. Бу ташкилот зиммасига харид қилиш, савдони уюштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш каби вазифалар юклатилади. Бу ишларнинг ҳаммаси бир ташкилот қўли остига бирлашгандан сўнг маҳсулот харид қилиш ва тайёрлаш ўтган йилдагидан 12—15 процент кўпаяди, маъмурий бошқарув аппарати маълум даражада қисқаради.

Бозор фонди тақсимотининг ҳозирги тартиби кооператорларнинг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ўз корхоналарида кўпайтиришдан манфаатларини оширмайди. Давлат манбаларидан ажратилаётган товар ресурслари қисқармоқда. Масалан, бу йил область план комиссияси бизга 26 минг декалитр «Пепси-кола» ажратди. Бу ҳар бир киши йил давомида 170 грамм ичимлик истеъмол қилади, деган гапдир. «Фанта» ичимлигидан бор-йўғи 2 минг декалитр ажратилган. Мороженое учун фондлар умуман ажратилмайди.

Тошкент аҳолисини матлубот кооперацияси орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашни Тошкент, Оржоникидзе, Калинин, Коммунистик ва Паркент районлари аҳолисидан мева-сабзавот харид қилиш давлат ресурслари ҳисобига планлаштирмасликни илтимос қилардик. Шунда бу ресурсларни кооператорлар аҳолидан келишилган баҳода харид қилиб, шаҳар бозорларида сотишлари мумкин бўларди.

Шаҳар матлубот савдоси 5—8 минг тонна маҳсулот сиғадиган омборхонага эга бўлиши керак. Бу муаммони шаҳар ижроия комитети ёрдамисиз ҳал қилиб бўлмайди.

— 2000 йилга бориб гўшт ва гўшт маҳсулотларини алоҳида ҳамда қадоқланган ҳолда ишлаб чиқариш қарийб икки баравар ортиши керак,— деди «Ташмясо» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженерининг ўринбосари **А. А. Абдураҳмонова.** — Бунинг учун ҳар сменада 50 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги заводни лойиҳалаш ва қуриш ишларини жадаллаштириш зарур. Гўшт комбинатининг бир маромда ишлаши кўп жиҳатдан совуқлик таъминоти системаси ишига боғлиқдир. Бу йил Бекобод, Олмалиқ гўшт комбинатлари, Янгийўл экспериментал колбаса заводида 300 тонна маҳсулот сақланадиган холодильниклар қуриш ва уларни совуқлик билан таъминлаш кўзда тутилаяпти.

Нотиқ ишлаб чиқаришда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириш билан бирга асосий эътиборни социал масалаларга ҳам қаратди. Шу пайтгача посёлкада клуб, ижтимоий марказ, йўқ. Ўйжой қурилиши ҳал этилмаяпти. Тошкент гўшт комбинатида канализация коллектори ва тозалаш иншоотлари қурилиши беш йилдан бери битмайди. Бу масалада коллектив раҳбарлари кўпгина идораларга мурожаат қилдилар. Лекин натижа бўлмаяпти. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлинмалари қайта ишлаш саноати муаммоларини ҳал этиш масалаларига эндиликда жиддий эътибор бермоқлари керак.

Бирлашма коллективи хўжаликлардан сўйиладиган қорамолларни марказлашган усулда олиб келиш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш бўйича маълум ишларни қилмоқда. Бироқ қорамоллар ташиладиган махсус автотранспорт воситалари ва холодильник қурилмалари ўрнатилган автомашиналар йўқлиги учун ҳам бу соҳадаги ишлар белгиланган ҳажмда бажарилмай қолаяпти. Давлат агросаноат комитети бу соҳага ҳам эътиборни қаратиши керак.

«Қибрай» салқин ичимликлар комбинати директори **Ғ. А. Одилов** алкоголсиз ичимликлар хилини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Комбинатнинг Тошкентда «Ором» деб номланган магазини бор. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. Лекин полиэтилен яшчикларнинг камлиги оқибатида тайёр маҳсулотларни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш имкони бўлмаяпти.

Шиша идишлар билан таъминлашдаги сусткашлик ҳам муаммоларнинг биридир. Савдо ташкилотлари бўш идишларни ўз вақтида қайтармаяптилар.

Нотиқ тайёр маҳсулотларни ортиш ишларини механизациялаш устида ҳам тўхталиб ўтди. Комбинат ҳозирча маҳсулотларни поддонларга жойлаб жўнатиш имкониятига эга. Шу боисдан республика савдо министрлиги бундай поддонларни қабул қилиб олиш юзасидан чораларни кўриши керак.

Комбинат ускуналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масалалари ҳам тилга олиб ўтилди. Бу йил ремонт учун эҳтиёт қисмлари умуман ажратилмас экан. Бу соҳада машинасозлик корхоналари ичимлик қуювчи юксак унумли линиялар ремонти учун зарур эҳтиёт қисмлари тайёрлаб беришда комбинатга ёрдам қилишлари керак.

Комбинат ўз ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплаш системасига ўтишга ўтган йилдан бери тайёргарлиқ кўряпти. Ишчилар, инженер-техник ходимлар аттестациядан ўтказиб бўлинди. Ҳозир ишчи ва хизматчиларнинг иқтисодий билимларини ошириш юзасидан кўшимча чоралар кўрилаяпти

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш агросаноат комплексининг энг кам қувват соҳаларидан бири бўлиб қолаяпти,— деди Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат комитети раиси **Н. И. Гусаков.**— Кўпгина корхоналарнинг ускуналари эски, қўл меҳнати юқори, технологияси такомиллашмаган. Маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам ўзгариш сезилмаяпти. Ўтган йили мингдан тонна маҳсулот область агросаноат комитетининг план кўрсаткичларидан чиқарилди, сотишга қўйилмади. Тошкентдаги 3-ун заводида ГОСТ талаблари тез-тез бузилиб турипти. Тошкент, Олмалиқ, Янгийўл кондитер фабрикалари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми ҳам ГОСТ талабларига жавоб бермаяпти.

Бу ҳол фақат технология ва рецептуранинг бузилиши оқибати эмас, балки хом ашё сифатининг пастлиги ва ўғирликлар кўплиги учун ҳам содир бўлаяпти. Маҳсулот сифати устидан корхоналарда қаттиқ назорат ўрнатилмаган. Область агросаноат комитети, унинг бўлимлари, область ғалла маҳсулотлари бошқармаси, бошқа бир қатор бўлинмалар комплекс бошқарув системасини амалда эмас, фақат сўзда жорий қилаётганликлари учун ҳам шундай кўнгилсизликлар келиб чиқаяпти.

Областимиздаги консерва заводлари йил сайин планларни бажариб келишаяпти. Гўё бу соҳада ташвиш йўқдек. Баҳоланки, планлар фақат помидор, бодринг, бақлажон, қовоқ ҳисобига тўлаётганлигини ҳеч ким тан олишни истамайди. Бошқа хилдаги маҳсулотлар нега кам? Бу ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти. Сабзавот ва мева сақланадиган омборлар қурилиши муаммолигича қолиб келаяпти. Қурилиш трестлари бу соҳага ўғай кўз билан қарамоқдалар. Область ижроия комитети, маҳаллий Советлар ва хўжалик органлари ҳам бу масала билан жиддий шуғулланмаяптилар.

Хом ашёни қайта ишлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. У. Юсупов номли комбинат, «Ғаллақудуқ» саноат комплекси, «Чиноз» совхоз-техникуми, етиштираётган кўшимча маҳсулотлар қайта ишланмаяпти, савдо билан дуруст шуғулланилмаяпти.

Тўғри, қайта ишлаш цехлари яратиш учун ускуналар, уларга эҳтиёт қисмлар керак бўлади. Бу масалани ҳал этишга Тошкент шаҳри ва области корхоналари ишлаб чиқариш ва техника потенциалини жалб этиш зарур. Бу соҳада маълум қадамлар қўйилаяпти. Корхона ва агросаноат комитети буюртмачилари ўртасида аниқ шартнома бўлса, қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш имкони яратиларди. Бўстонлиқ районида базасида «Ғазалкент» агросаноат комбинати, Тошкент районида ва «Ташплодоовошч» бирлашмаси савдо корхоналари базасида «Тошкент» агросавдо фирмасини тузиш ишларини яқин вақт ичида ниҳоясига етказиш керак.

Актив қатнашчилари Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси **Р. Акбаровнинг** нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар. У ўз сўзида колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг жуда кўп резерв ва имкониятлари борлиги, ҳамма гап улардан оқилона фойдаланишда қолганлиги ҳақида тўхталиб, ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик мисолида батафсил гапириб берди.

— Колхозимиз коллективи,— деди у,— шаҳар меҳнаткашларини йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Тошкентда иккита фирма магазини очдик. Ларда ўнлаб хил деҳқончилик неъматлари билан савдо қилинмоқда. Биргина ўтган йили бундан 45 минг сўмлик соф фойда кўрдик. Пойтахтимиз меҳнаткашларининг талабларини инобатга олиб ҳатто кўзиқорин етиштиришни ҳам йўлга қўйдик. Тўғри, ҳозирча у унча катта бўлмаган майдонда етиштириляпти. Ҳар бир килограмм кўзиқорин таннархи бир ярим сўмга тушмоқда, биз уни фирма магазинларида саккиз сўмдан сотяпмиз. Бу яхшигина даромад бермоқда. Шунинг учун бундай экин майдонини бир гектаргача етказмоқчимиз.

Коллективимиз Юнусобод массиви ёнида ажойиб маскан—дам олиш зонаси ташкил этишга киришди. Бу ерда турли хил кўнгил очиш ўйинлари, жумладан, рақс майдонлари, тир, ошхона ва бошқалар бўлади.

Яқинда 500 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхона қурилди. Биз яна ҳажми бундан бир неча баравар катта бўлган ва мингдан тонна мева-сабзавотни қишинёзин сақлашга мўлжалланган омборхона қурилишини олиб бораяпмиз. Бу ишда биз айрим қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Область агросаноат комитети бизга омборхона қурилиши учун зарур бўлган махсус материалларни етказиб бермаяпти. Бундай материаллар объектни бунёд этишни зиммасига олган қишлоқ қурилиш ташкилотида ҳам йўқ. Натижада шундай материалларни излаб турли жойларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдамиз. «Агропромстрой» бу масалада қаттиқ тартиб ўрнатиши керак.

— Қайта ишлаш корхоналари техника базасининг кам қувватлиги, ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётганлиги, зарур миқдордаги механизациялашган омборхоналарнинг камлиги, савдо тармоғи етарлича ривожланмаганлиги учун ҳам меҳнаткашларни мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволдадир,— деди Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари **М. Л. Чумичев.**— Қайта ишлаш корхоналарининг қувватини ошириш, тайёрлов ва савдо ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича 1988—1995 йилларга белгиланган тадбирларни корхона раҳбарлари ва партия ташкилоти секретарлари билан биргаликда район партия комитетида атрофлича муҳокама қилиб чиқдик. Шампан винолари заводида алкоголсиз ичимликлар, шунингдек, «Крюшон» ичимлиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда совуқ камералар кенгайтирилиб, унга алоҳида линия ўтказилди. Бу корхона учун шишаларнинг кўп синиши алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Йил сайин 150 тонна синиқ шиша йиғилиб қолади. Буларни топшириш масаласи эса муаммо бўлиб турипти. Область агросаноат комитети синган шишаларни қайта ишлаш, шампан шишалари таъминотини яхшилаш бўйича зарур чоралар кўрса айни муддао бўларди.

Ёғ-мой комбинатида хўжалик усулида ишлаб чиқариш объектларини, инженерлик иншоотларини қуриш ва ремонт қилиш ишлари бошланиб кетди. 1990 йилгача бу ерда 4,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Реконструкция туфайли маргарин ва майонез ишлаб чиқариш икки марта, ўсимлик мойи қуйиб чиқариш эса 1500 тоннага кўпаяди.

Районда ўз кучимиз ва корхоналар маблағи ҳисобига 8 минг тонна маҳсулот сиғадиган 4 та сабзавот омбори қуришни мўлжалламоқдамиз. Сабзавот магазинлари, шу жумладан, фирма магазинлари тармоғи кенгаймоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 4 та фирма магазин, корхоналарда эса 8 та магазин очилди.

Сабзавот базалари ходимларининг масъулиятсизлиги билан савдо ташкилотларига сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилаётганлигидан кўз юммаслик керак. Меҳнаткашлар дастурхонига энг сара маҳсулотларни тақдим этиш керак.

Бу ерда холодокомбинат ишидаги камчиликлар учун район партия комитети тўғри танқид қилинди. Холодокомбинатни савдо министрлигидан олиб бошқа идорага бериш пайти келмадимикин. Чунки кадрлар қўнимсизлиги авж олган. Савдо министрлиги фақат ўз ходимларини бу ерга ишга юборяпти. Кадрлар танлашга бундай ёндашиш хунук оқибатларга олиб келмоқда.

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси партия ташкилоти секретари **М. А. Долгих** коллективни ташвишга солаётган муаммолар устида тўхталди. Кейинги олти йил давомида корхона товар маҳсулоти ва фойда олиш планини биринчи марта бажарган бўлишига қарамай, аҳвол ҳамон танглигича қолаяпти. Маҳсулот сифатига кўплаб эътироз билдирилмоқда.

Фабрика раҳбарлиги, партия ташкилоти меҳнат ва технология интизомини зарур даражада мустаҳкамлашга эриша олмаяпти. Ҳар йили ишчиларнинг 25 проценти алмашиниб турибди. Майда ўғирликлар, ташмачилик, хом ашёни исроф қилиш барҳам топгани йўқ.

Фабрикада ишлаб чиқариш майдони торлигича қолмоқда. Бу ҳол санитария ва ёнғинга қарши нормаларнинг бузилишига олиб келмоқда. Ишчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратилмаган. Республика Давлат агросаноат комитети икки йил муқаддам фабрикани реконструкция қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Биринчи навбат қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган бўлишига қарамай ҳали маблағнинг тайини йўқ.

Фабрикада технологик ускуналарнинг аҳволи ҳам ночор. Уларнинг 45 проценти маънавий ва моддий жиҳатдан яроқсиз бўлиб қолган. Уч йил муқаддам 107 та технологик ускуналар учун буюртма берган эдик. Фақат 20 та ускуна ажратишди. Ҳозир янги ускуналарга эҳтиёж катта.

Хом ашёни сақлашга мўлжалланган омборхоналар талабга жавоб бермайди. Хом ашёнинг бир қисми очиқ жойда сақланаётганлиги учун ҳам сифати бузилмоқда. План бўйича ишлаб чиқариш программаси моддий-техника ресурслари билан мутаносиб бўлиши керак. Лекин хом ашё таъминоти ниҳоятда ёмон аҳволда. Шунинг учун ҳам ўтган йили товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 91 процентда қолиб кетди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Кейинги икки йил мобайнида 4 миллион сўмлик маҳсулотнинг кам чиқарилганлиги шундандир. Хом ашё таъминоти муаммосини зудлик билан ҳал этиш пайти келди.

— Озиқ-овқат программасини бажариш фақатгина аграр вазифа бўлибгина қолмай, айни пайтда саноат корхоналари, шунингдек тайёрлов ташкилотлари, таъминот ходимлари зиммасига ҳам бу соҳада катта вазифалар юкланган,— деб таъкидлади Калинин районидаги «Қорасув» совхози директори **А. Қ. Абдувалиев.** —Озиқ-овқат программаси ҳаммамизга алоқадор бўлганлиги учун ҳам уни биргалашиб ҳал этмоғимиз зарур.

Ўтган йили совхоз 130 гектар ерда пленка остида сабзавот маҳсулотлари етиштирди. Пировардида помидор ва бодринг, бақлажон ва болгар гармдориси, укроп ва петрушка каби кўкатлар анча кўпайди. Ҳосилни қишга асраб кўйиш учун 500 тонналик йигма омборхона қурдик. Бу тадбир тошкентликларни қиш даврида ҳам сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бераяпти. Ҳозир совхознинг шаҳардаги магазинларида савдо қизғин бораяпти.

Коллектив алмашлаб экишга катта эътибор бераяпти. Ҳосилни зараркунандалардан асраб қолиш юзасидан ҳам кўп иш қилиняпти. Кўрилган чоралар туфайли ўтган йили совхоз коллективи қайта ишлаш учун 9 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва картошка етказиб берди. Бу пландагидан 2,5 минг тонна кўп демакдир.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, совхоз раҳбарлари ва мутахассислари қайта ишлаш корхоналарига ўз вақтида ва талаб қилинган миқдордаги маҳсулотни етказиб беришдан манфаатдор бўлмаяптилар. Шу боисдан ҳам айрим маҳсулотларнинг, айниқса, лавлаги, кўкпиёз, бақлажоннинг нархини қайта кўриб чиқиш керак.

Нотиқ область агросаноат комитети ва бошқа тегишли ташкилотлар эътиборини яна бир қатор масалаларга қаратди. Сабзавотни йил бўйи етиштириш учун полиэтилен пленкалари керак. Шунда помидор, бодринг, бақлажон, эртаги қарам, картошка каби маҳсулотларни тезроқ етилтириш мумкин. Лекин хўжаликларнинг полиэтилен пленкаларига бўлган эҳтиёжи 50 процент ҳам қондирилмаяпти. Яшчиклар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, бинокорлик материаллари таъминотида ҳам катта қийинчиликларга дуч келиняпти. Моддий-техника таъминоти ишини қайта қуриш пайти аллақачон келган бўлса-да, лекин бу масала билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Оталиқ ёрдами соҳасида ҳам гап кўп-у иш оз. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин хўжалигимизда бўлган пайтида шаҳарликларни сабзавот билан таъминлаш масаласи билан қизиқди. Бу яхши. Лекин бизга қандай ёрдам кераклигини суриштирмади. Шаҳар партия комитетига биз бир масалада мурожаат қилганимизда у қишлоққа кўрсатиладиган амалий ёрдамни кучайтириш бўйича махсус қарор қабул қилинади, деб ваъда берган эди. Аммо қарор ҳам қабул қилинмади, ёрдам ҳам кўрсатилмади.

Шарикоподшипник заводи бизни ўз оталиғига олган. Ўтган баҳорда завод бизга 1 километр труба сотди. Кейин билсак бу труба давлат нархидан олти марта қимматга тушибди. Мана сизга оталиқ ёрдами!

Областимизда омборхоналар ниҳоятда кам. Полимерлардан идишлар тайёрловчи завод қуриш масаласи эса неча йиллардан бери ҳал этилмай келаяпти. Шунга ўхшаш муаммолар ишимизга ҳалақит бермоқда.

— Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак, — деди Тошкентдаги 4-нон заводи мастер-новвойи **Р. Орлова.** — Ўтган йили савдо ташкилотлари 114 тонна нонни қайтариб юборишди. Корхонамизда узоқ йиллардан бери эски ускуналардан фойдаланиб келинаётганлиги учун ҳам маҳсулотларимиз сифатсиз бўлаяпти. Корхона раҳбарлиги ва партия ташкилоти бу масалани юқори ташкилотлар олдига бир неча бор қўйдилар. Лекин ёрдам сезилмаяпти.

Корхонага келтирилаётган ун сифати ҳам талаб даражасида эмас. Бу ҳол корхонани бир меъёрда ишлашига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Нотиқ инсон омили ролини ошириш учун кўпгина социал масалаларни ижобий ҳал этиш зарурлигини уқтирди. Ишчиларнинг кўпчилиги шаҳарнинг олис районларида истиқомат қилишади. Кечки сменадан сўнг уларнинг уйга қайтиши қийин бўлаяпти. Кўпгина корхоналар кечки сменада ишлаган ишчиларни истиқомат жойларига етказиб қўйиш учун махсус транспорт воситаларига эга. Лекин бундай транспорт негадир бизнинг корхона учун ажратилмаган. Шу боисдан ҳам кўп қолларда кадрлар қўнимсизлиги сезилмоқда.

— Агар ҳар бир цех қанча сув, буғ ва электр энергияси сарф қилаётганлигини билмасак хўжалик ҳисобига ўтишимиз амри-маҳолдир,— деди Янги Тошкент консерва заводи директори **А. И. Қосимхўжаев.**— Ҳозирги пайтда қизиқ бир манзара намоён бўлаяпти. Айтайлик, комбинат директори сифатида ярим миллион сўмни ҳавога совурсам ҳам биров индамайди. Лекин бирор ташкилот билан счетчик тайёрлаб бериш учун 3 минг сўмга шартнома тузсам, бир қатор кўнгилсизликлар келиб чиқади. Бу ишни бажарувчи ташкилотни аввал қидириб топинг-чи?

Биз томат қилиш мавсумида яъни уч ой ичида сувнинг 70 процентини ишлатиб қўямиз. Қолган тўққиз ой давомида эса, шунча сув ва электр энергия бизга керак бўлмайди. Ҳамиша биз фойдаланилган сув учун 13 минг сўмдан тўлаб келардик. Счетчик ўрнатилгандан сўнг бор-йўғи 930 сўм тўлайдиган бўлдик. Айтмоқчиманки, сув ва электр энергияси сарфиётини ҳисобга олувчи счётчикларни ҳар бир корхонага ўрнатиш керак.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёси учун тўланаётган жарималар бўйича ҳам бир— икки оғиз гап айтмоқчиман. Маълумки, шартнома ҳар иккала томоннинг масъулиятини оширади. Лекин, биз ўз ишимизни шартнома бўйича ташкил этамизу, аммо хўжаликлар маҳсулотларни белгиланган хиллар бўйича эмас, умуман таъминлашда ҳам оқсаб қолмоқдалар. Шартнома бузилганлиги учун қишлоқ хўжалиги хом ашёси етказиб берувчи хўжаликлар бизга 14 минг сўм жарима тўлашди. Янгича шароитда бундай ишлаб бўлмайди. Ҳар қандай баҳонани йиғиштириб қўйиб, шартнома мажбуриятларини бажаришимиз керак.

Идишлар таъминотида ҳам баъзи бир муаммолар бор. Шиша банкаларни ҳозиргача Чита ва Хабаровск ўлкасидан олааяпмиз. Бу бизга анча қимматга тушаяпти. Уч литрли битта баллон баъзан 68 тийинга тўғри келмоқда. Давлат агросаноат комитети, область агросаноат комитети ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиб кўрдик. Лекин, муаммо муаммолигича қолаяпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти **З. С. Салимов** йиғилиш президиумига тушган саволларга жавоб қайтариб, Тошкентда ихтисослашган «Средазпищечпром» институти мавжудлигини, бу ерда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш масалалари билан шуғулланувчи бўлим очиш мумкинлигини маълум қилди. Бироқ мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича республика олий ўқув юртларига кадрлар тайёрламайди. Фақат Тошкент қишлоқ хўжалик институтида холодильник машиналари бўйича инженер-технолог тайёрлайдиган бўлим бор. Шундай мутахассислик бўйича Тошкент политехника институтида ҳам янги бўлим очиш мумкин. Бунинг учун албатта давлат агросаноат комитети ёки озиқ-овқат корхоналаридан маълум миқдорда буюртма тушиши керак.

Нотиқ озиқ-овқат технологияси бўйича олиб борилаётган илмий ишлар устида ҳам тўхталиб ўтди. Химия ва ўсимлик моддалари институтида олма чиқиндисидан пектин тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилиб, Ғазалкент консерва заводида жорий этилди. Кейинчалик пектинлар ишлаб чиқариш яна 3 та заводда йўлга қўйилади. Бу программани Фанлар академияси химия ва ўсимликлар моддаси институти ишлаб чиқаяпти. Айни пайтда давлат агросаноат комитети ҳам бу соҳада актив иш олиб бориши керак.

Биорганик химия институтида эса ичимликлар тайёрлашда фойдаланиладиган ранглар яратилаяпти. Ундан озиқ-овқат саноати тармоқлари келажакда кенг фойдаланишлари мумкин. Кўриниб турибдики, ўзбек олимлари Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида тинмай изланмоқдалар.

## МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

### СОВЕТ МАДАНИЯТ ФОНДИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Адабиёт ва музика, тасвирий санъат ва театр халқ ижодиётининг бошқа маҳсуллари билан бирга жамиятимизнинг туганмас маънавий бойлиги ҳисобланади. Совет маданият фонди ҳар бир гражданнинг ана шу бойликдан баҳраманд бўлишини таъминлаш, кишиларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашдек муқаддас ишга даъват этилган. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Маданият фондининг область бўлимини ташкил этиш бўйича Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конференциясида ана шулар ҳақида гапирилди.

Конференцияда ташкилий комитет раиси, область маданият бошқармасининг бошлиғи Г. И. Айрапетянц бўлимнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Яратилган ҳар бир маданий-маънавий бойликни областимиз аҳолиси томонидан авайлаб-асрашга эришиш, ёшларда умуммиллий мадан

# ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи кескинлигича қолмоқда. Беш йилликнинг икки йили мобайнида 1,2 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади, 0,6 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди, ишга туширилиши планлаштирилган 224 та объектнинг фақат учдан бир қисми фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги (ўртоқ Мананников), Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (ўртоқ Боймиров), Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ Сапаев), Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (Набиев, Ҳамидов ўртоқлар) бўлинмаларининг ишида уларнинг раҳбарлари бир неча марта ваъдалар беришганига қарамай, бутун қурилиш жараёнини қайта қуришда сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Юк автомобиллари паркидан фойдаланиш ёмонлашди, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги системасида шундай автомобилларнинг юксиз қатнови кўпайди. Натижада юк ташиш плани атиги 94,1 процент бажарилди.

Ўтган йили халқ истеъмоли молларини планга қўшимча равишда ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқни тўла ҳажмда бажариш таъминланмади. 163 та бирлашма ва корхона, шу жумладан «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия заводи ва бошқалар шундай молларни ишлаб чиқариш планини бардод этдилар. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, республика Дон маҳсулотлари министрлиги, Тошкент заргарлик заводи аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш ўрнига, ўтган йил планларни камайтириш мақсадида уларга тузатишлар киритилишига йўл қўйдилар. Кўпгина корхоналар ҳамон сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўйимоқдалар, 587 та корхонада стандарт талаблари бузилганлиги аниқландики, натижада бу корхоналарда 8,9 миллион сўмлик товар реализация плани бажарилишидан чиқариб ташланди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги (ўртоқ Бугров), Ўзбекбирлашув (ўртоқ Маҳмудов) савдо тармоқларига эга бўлган ва аҳолига хизмат қилувчи бошқа министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шароитларида ўзларига қарашли корхона ва ташкилотлардаги ишни тубдан қайта қуриш юзасидан узил-кесил чораларни кўрмадилар. Ана шуларнинг ҳаммаси чакана товар оборот ва тўловли хизматлар плани бажарилиши муттасил барбод этилишига, аҳолининг пул даромадлари билан харажатларини номутаносиб бўлиб қолишига, пландан ташқари қоғоз пуллар чиқарилишига сабаб бўлди.

Министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг иш услуби ва методлари секинлик билан қайта қурилаётганлиги республика халқ хўжалигида вужудга келган ишлар аҳволининг бош сабабларидан биридир. Айрим раҳбарлар қайта қуриш стратегиясини рўёбга чиқариш, республика бутун халқ хўжалик комплексини жўшқин равишда муттасил иқтисодий ва социал ривожлантириш учун юксак шахсий масъулиятни ҳали ҳис этаётганлари йўқ. Коллегияларнинг фаолиятида тегишли даражада ишчанлик бўлишига ҳали эришилган эмас, коллективларнинг куч-ғайратини туб муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилиш маҳорати етишмайди. Корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга қониқарсиз тайёрланди. Бу корхоналарнинг кўпчилиги янги шароитларда молиявий резервга эга бўлмай, ўз оборот маблағларидаги камомад ҳамда товар-материал бойликларнинг нормативдан анча ортиқ запаслари билан хўжалик юрита бошладилар. План интизоми, меҳнат ва ижрочилик интизоми пастлигича қолмоқда.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидладики, Министрлар Совети Президиуми, министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари ўтган йили экономикага ва хизмат соҳасига раҳбарликни қайта қуриш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланмадилар, халқ хўжалик тармоқлари ишидаги камчиликларни секинлик билан бартараф этдилар, турғунлик ҳоллари ва хўжасизликка барҳам бериш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш соҳасида суст кураш олиб бордилар.

Республика ҳукумати министрликлар, идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг зиммасига КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, беш йилликнинг икки йили мобайнидаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ва молиявий фаолият якунларини ўн кунлик муддат ичида пухта анализ қилиб кўриб чиқиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, экономикани тубдан ислоҳ қилишни таъминлаш соҳасида қабул этилган қарорларни амалда рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш, демократиялаш жараёнини мустаҳкамлаш, социал соҳани устун даражада ривожлантириш мажбуриятини юклади. Янги хўжалик механизмининг имкониятларидан ва «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунининг қоидаларидан келиб чиқиб, меҳнат коллективларида қайта қуришдаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциали ва илмий потенциал резервларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш мақсадида 1988 йилги ва беш йилликнинг уч йилги планлари ҳамда мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш юзасидан ташкилотчилик ишларини авж олдириб юбориш топширилди.

Ҳар бир корхона ва ташкилот ўз планларини сўзсиз бажаришини, шу йилги ишни ҳисобга олиб, 1989 йилда ўн иккинчи беш йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олиш мақсадида илгари йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш учун барча имкониятлардан иложи борича кўпроқ фойдаланишни таъминлаш таклиф этилди. Ўзбекистон ССР Госпланига, республика Фанлар академиясига шу йилнинг апрель ойида ҳукуматда кўриб чиқиш учун республика илмий потенциалининг самарадорлигини оширишни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси такомиллаштирилишини таъминлашга қаратилган умумиттифоқ ва республика илмий-техника программаларини амалга ошириш натижалари ва улар қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида доклад тайёрлаш топширилди. Ўзбекистон ССР Госснаби (ўртоқ Шарипов) истеъмолчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга ўз вақтида биркитиб қўйиш ҳамда 1986—1987 йилларда бўлгани каби, моддий-техника таъминотидаги узилишларга йўл қўймаслик мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг фондларини тўла реализация қилиш масалаларини доимий назорат остида тутиши керак.

Ҳукумат Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Главсредазирсовхозстрой (ўртоқ Турсунов), ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими (ўртоқ Акмалхонов), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги қарорини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII Пленумининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорини, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қонунидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга доир ташкилотчилик ишларини актив авж олдириб юбориш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида беш йиллик планнинг асосий топшириқлари муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мажбуриятини юклади. Ҳар бир хўжаликда қониқарсиз ишлашнинг, чорва ва парранда тайёрлаш плани бажарилишининг барбод бўлиши сабабларини аниқ билиб олиш зарур. 1988 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишини ва шундай маҳсулот харид қилиш юзасидан белгиланган планлар сўзсиз бажарилишини таъминловчи конкрет чора-тадбирлар амалга оширилсин, чорва қишлови ва кўкламги дала ишларига тайёргарликнинг бориши қатъий назорат остига олинсин.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига, республика банкларига капитал қурилиш суръатларининг топширилган белгиланган даражада оширилишини, куч ва маблағларнинг ишга туширилиадиган энг муҳим қурилишларга, мавжуд корхоналарни, шу жумладан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлашга сафарбар этилишини таъминлаб, социал-маданий соҳанинг объектларига, аниқ мақсадни кўзловчи комплекс программалар топшириқлари рўёбга чиқарилишига алоҳида эътибор бериш топширилди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг коллегиясига 1986—1987 йиллардаги якунларга кўра тармоқ иши хусусида билдирилган танқидий мулоҳазаларни рўёбга чиқариш, юк ва пассажир транспортидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, пассажир рейсларининг мунтазамлиги устидан контролни кучайтириш юзасидан кўриладиган чоралар комплексини амалга ошириш тавсия қилинди.

Республика ҳукумати Ўзбекистон ССР Савдо министри ўртоқ Литвиненко, Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси ўртоқ Маҳмудов, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри ўртоқ Бугров, савдо тармоқларига эга бўлган министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси, область ижроия комитетларининг раислари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бош схемасига мувофиқ хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўзилишларсиз, ташкилий равишда ўтишни таъминлаш таклиф қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Республика министрликлари, идораларининг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни такомиллаштиришга, халқ хўжалиги тармоқларини малакали мутахассислар ва ишчилар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни рўёбга чиқаришга оид ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. 1987 йилда республиканинг совет ва хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мазкур масалага доир йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширганликлари қайд этиб ўтилди. 8,5 мингдан зиёд ишчи, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан 170 киши бошқа иттифоқдош республикаларга стажировкага юборилди. Ишнинг ҳал қилувчи соҳаларини билимдон кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида бошқа регионлардан 260 киши келди.

Айни вақтда айрим министрликлар, идораларнинг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари нотўғри позицияни эгаллаб, мамлакатнинг марказий ташкилотлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига бошқарув структурасини такомиллаштириш юзасидан зарур ташкилий-амалий ишларни ўтказиш, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемасига мувофиқ хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўзилишларсиз, ташкилий равишда ўтишни таъминлаш таклиф қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Республика министрликлари, идораларининг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни такомиллаштиришга, халқ хўжалиги тармоқларини малакали мутахассислар ва ишчилар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни рўёбга чиқаришга оид ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. 1987 йилда республиканинг совет ва хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мазкур масалага доир йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширганликлари қайд этиб ўтилди. 8,5 мингдан зиёд ишчи, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан 170 киши бошқа иттифоқдош республикаларга стажировкага юборилди. Ишнинг ҳал қилувчи соҳаларини билимдон кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида бошқа регионлардан 260 киши келди.

Айни вақтда айрим министрликлар, идораларнинг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари нотўғри позицияни эгаллаб, мамлакатнинг марказий ташкилотларида

• Социал масалалар бўлимида •

# ТЎҚНАШУВ

**БУКА РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИДА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ ДАВРИМИЗДАН АНЧА ИЛГАРИЛАБ КЕТИБДИ. ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА КЕЛАЖАК БИЛАН УЧРАШГАН КОЛХОЗ МАЪМУРИЯТИ ВА ҲАТТО РАЙОН РАҲБАРЛАРИ БУ ТЎҚНАШУВДАН ГАНГИБ, 3,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК ОБЪЕКТЛАРНИ ТАҚДИР ҲУКМИГА ТАШЛАБ ҚУЙИШИБДИ...**

*ФЕЛЬЕТОН*

ҲА, ишонаверинг, худди шундай. Колхоз марказида 400 болага мўлжаллаб қурилган икки корпусли, биридан иккинчисига ёпиқ йўлак орқали ўтиладиган, икки қаватли, ойнаванд, 14 та группа учун мўлжалланган 14 хонанинг ҳаммасида ҳовузчалари бўлган, бошқа қўшимча ёрдамчи хўжаликлари — ошхона, кирхоналари ҳаммаси бадастир боғчани, Тошкентдаги Митрофанов номли сув спорти саройидан устун бўлса устунки, ундан кам эмас ёпиқ бассейнни, унинг ёнидаги барча қулайликларга эга стадионни, муҳташам мактаб ва шарқона услубда қурилган ҳаммомни кўрган кишининг оғзи очилиб қолади: фақат пойтахт областидаги районлардагина эмас, балки Тошкент шаҳрида ҳам бунақа боғча ва спорт комплексларини қидириб топиш қийин.

Йўқ, муболаға эмас, лоф ҳам эмас, айнан шундай. Бу фақат бизнинг фикримиз ҳам эмас. 1986 йилда бу ерга ташриф буюрган СССР Давлат спорт комитетининг масъул ходими И. Политик ҳайратланиб ва хурсанд бўлиб «Сизлар 50 йил илгарилаб кетибсиз!» деди ва у ўз фикрини Иттифоқ Спорт комитети раиси М. Грамовга албатта етказажагини билдирди.

Орадан кўп ўтмай 1986 йилнинг охирида колхозга Марат Николаевич Грамов ташриф буюрди. У ҳам колхозда бунёд этилган спорт комплексини кўриб ҳайратланди, мамнун бўлди, қурилишга ташаббускор бўлган ва қурган одамларга раҳмат айтди. Хулосаси шу эди: «Бўпти, бу комплексни, боғча билан қўшиб биз сотиб оламиз. Харажатларнинг ҳаммасини тўлаймиз».

СССР Давлат спорт комитети раҳбарининг мўлжалича, бу ерда Ўзбекистон олимпия маркази, деганга ўхшаш республика спорт маркази бўлиши керак эди!

Бўлмади.

— Нега?

— Эшитишимизга қараганда, Иттифоқ Министрлар Совети рухсат бермаганмиш, — дейди ҳамроҳимиз колхоз раиси Саидмўхтор Саидкамолов.— Спорт комитети тайёр объектни сотиб олишга ҳуқуқи йўқ экан, ўзи қуриши керак эмиш.

Шу билан тамом. Тайёр бассейн ва стадион тўрт йилдан буён фойдаланилмай ётибди. Болалар боғчасини эса колхоз 1986 йил охирида қурувчилардан қабул қилиб олган. Шу бўйи «тузлаб» қўйилибди. Ҳолбуки, ёпиқ бассейн билан боғча қурилишининг ўзига қурувчилар 550 минг сўм иш ҳақи олишган. Колхознинг, колхозчиларнинг пули. Колхозчининг болалари эса савлат тўкиб турган боғчадан саккиз қадам нарида одам атодан қолган пастқам бинони боғча деб яшаб-тарбиялаётган-моқдалар.

— Фалончи, Алишерни ташқарига олиб чиқиб тўсиб келгин,— деди боғча опа санитаркага.

Кун совуқ эди.

— Нега, болаларни ташқарига олиб чиқасизларми, шамоллаб қолишади-ку?

— Нима қилайлик,— дея елка қисади «Наргиз» боғчасининг тарбиячиси Муҳаррам Аббосова,— бошқа иложимиз йўқ, шароит шунақа. Булар ўрта группа, тувак шарт эмас.

— Кичик группа-чи?

— Қишда уч ой ёпиб қўйилади группа,— дейди кичик группа тарбиячиси Гулбаҳор Солиева.— Хона етишмайди группамизга.

Боғчада эса бор-йўғи 60—70 бола тарбиялаётган-моқда, ёзда 120 га етармиш...

Ҳолбуки, колхозда бир ёшдан 6 ёшгача 500 нафардан ортиқ бола бор. Янги боғча аслида ўшалар учун қурилган эди. Ҳўш, нега тайёр боғча ишлатилмаяпти? Бу саволга жавоб беришдан олдин редакцияга келган хатдан кўчирмага эътиборингизни қаратмоқчимиз:

**«Колхозимизда 400 ўринли болалар боғчаси битказилиб, 1986 йилда ишга туширилган эди. Ёзганимиз сизга ёлғон туюлади, лекин ўзингиз келиб кўринг: эшиги синган, тутқичини юлиб кетишган, ичига кириング — молхонага ўхшаб ётипти, атрофи одам бўйи ўт. Шундай боғча хароб бўлди, шунга қарамаган раҳбарлар хароб бўлса яхши бўлар эди. Аёрда бинони келиб кўрсангиз, ўзингизнинг ҳам бир ҳафта уйқунгиз келмайди. Колхозимиз хонавайрон бўлди. Ўтган йилги ҳисобот йиғилишини олти ойлик раис қўрқиб, одамлар камроқ келсин деб қишлоқнинг узоқ жойидаги ферма навеси остида ўтказди, -кўпчилик халқ бормади».**

Нега янги боғча ишлатилмаётганига колхоз раисининг жавоби: «Буни жиҳозлашнинг ўзига 500 минг сўм пул керак — қаёқдан оламан, колхоз қарзга ботиб ётибди. Хизмат кўрсатадиган ходимларнинг ўзи етмиш киши бўлиши керак! Колхозда эса жами 1709 аҳоли, меҳнатга яроқли 420 киши бор, шундан 256 нафари колхозчи. 162 хонадон бор».

Аввало мавжуд боғчага 120 бола ҳам ортиқчалигини айтайлик — сиғишмайди. Қишлоқ жойда 162 хонадондан ўрта ҳисобда камида 2—3 бола боғча ёшида экани турган гап. Фақат, бостирма боғчага ҳамма ҳам боласини олиб боравермайди — зарур бўлгандаям боғчадан бошқа иложини қилади. Агар ўша муҳташам боғча ишлаб турса, одамлар боласини жон деб боғчага беради.

**Гап шундаки, боғча қурилишига 1 миллион 473 минг сўм, стадионга 1 миллион 128 минг сўм, бассейнга 679 минг сўм, пионер лагерига 709 минг сўм сарфланган. Булардан ташқари, 72 минг сўмга колхозчилар уйи ва ҳар бири 47 минг сўмлик 14 та уй — коттеж қурилган.**

Колхоз буларнинг ҳаммасини бирданига ўз чўнтагидан қуролмас эди, давлатдан 3,5 миллион сўмга яқин қарз олган. Шу қарз ҳали тўланганги йўқ. Колхоз маъмурияти ҳам, район ижроия комитети раҳбарлари ҳам шуни рўкач қилиб, бу объектларни сотиб оладиган харидорни кутишмоқда.

Ҳа, кутишмоқда. Бошқа ҳеч нима қилинмаяпти.

Харидорлар чиқаётган эмиш, Тошкент трактор заводи раҳбарлари, олмалиқликлар сотиб олишни бир ҳаёл қилишибди-ю, масофа анча узоқ бўлгани учун айнашибди.

Қизиқ, нега энди фақат бегона одамларга сотиш билан бу объектлардан «қутулиш» керак. Ахир бу сузиб ейишга тайёр ошни бировга қозони билан бериб юбориш эмасми? Ахир бу ош колхозчилар учун, колхозчиларнинг болалари учун пиширилган эди-ку. Ёки... колхозчи умрбод қора шўрва ёки мошхўрда ичавериши керак, палов унга муносиб эмас, деб колхозчининг пешонасига ёзиб қўйилибдими?!

Редакцияга ёзилган хатдан: **«80 минг сўмга қурилган пиллахона ҳам дабдала!»** Куппа-кундузи бу бино олдида бир йигит ивирсиб юribди. У ўзини шу бинонинг қоровули Абдураззоқ Муҳамедов деб таништирди. Ўндан ортиқ бўлмаҳоналари бўлган бу улкан бинонинг қурилганига ўн йил бўлибди. Ҳозир ҳувиллаб кинолардаги фронт линияси ўтган жойларда қолган бинога ўхшаб шумшайиб турибди. На биронта эшик бор, на дераза! Узр, дераза бор экан, фақат ўнлаб деразаларнинг биронтасида бир қарич ҳам ойна йўқ.

— Сиз бу ерда нимани қўриқлаяпсиз,— ҳайрон бўлиб сўрадик қоровулдан.

— Дераза ромларини биров кўчириб олиб кетмасин, деб!..

Бу қоровул янги тайинланибди, ҳали маош ҳам олмаганмиш. Лекин бу бино қачон ҳақиқий пиллахона ёки бошқа нарса бўлади — номаълум. У давргача қоровулга тўланадиган маош бинода қолган қуруқ ромсифат тахталарнинг қийматидан бир неча баравар ортиб кетиши эса аниқ! Қолаверса, қишлоқ одамлари мана шу ромни бетон девордан кўчириб кетадиган даражада худбин бўлиб қолганига ишонгимиз келмайди...

Пиллахона олдида эса бирнеча уюм металлолом ётибди. Аниқроғи, металлоломга айланган ўндан ортиқ... пилла қуритиш аппаратлари. Ахир улар осмондан тушмаган, бир неча минг сўмга сотиб олинган ускуналар-ку!

— Бу ерда ҳеч ипак қурти боқилганми?

— Бир йили бир боқишган,— дейди раис ҳафсаласизлик билан,— кейин одамлар бу ерда боқмай қўйишди, шекилли, ҳар кимнинг ўз уйида боққани қулай.

Атрофда эса зич хонадонлар. Бу пиллахона аслида ана шу хонадонлардаги пиллачиларнинг оғирини енгил қилиш учун, узоқни кўзлаб, халқ манфаатини ўйлаб қурилган. Ҳали салқин кўтарилиб улгурмаган баҳор кезларида ёш-ёш бола-чақасини битта хонага тиқиштириб, қолган хоналарни ипак қуртига бўшатишдан воз кечишни, ўзига берилган ипак қуртини тайёргина колхоз биносида, пиллахона деб аталган барча қулайликларга эга бинода боқишни ким хоҳламайди? Ҳамма хоҳлайди. Фақат... Кейинги икки-уч йилда одмичоршанба алмашиб турган колхоз раисларидан бошқа ҳамма! Омонат раислар эса ё ростдан ҳам хўжаликка раҳбарликни эплай олмаяпти ёки... у ёғини билмадик. Ҳар ҳолда колхоз, хатда таъкидланганидек, эгасиз қолганга ўхшаб турипти.

Миллий услубда қурилган, 1981 йилда фойдаланишга топширилган ҳаммомнинг баҳоси 328 минг сўм. Хатда бу ҳаммом бир ярим йилдан бери ишламай ётгани ёзилган. Биз ташриф буюрган куни ҳам эшик пешонасида шундай ёзув бор эди: «Ҳаммом ишламайди, сув йўқ. 18.12.87». Демак, атиги йигирма кундан буён ишламаётган экан-да? Кейинроқ буни эшитган райжроком раисининг жаҳли чиқди: «Уни ўзимиз аралашиб, ишлатиб қўйган эдик-ку, яна ёпишибдими!» Ҳа, ҳаммомнинг узоқ муддат ишламагани рост экан, у ишламагач, бу ерга ҳаммомга алоқасиз ташкилот кўчиб кирволибди, уларни яна қайта кўчириш учун район раҳбарлари аралашибди. Нега ҳаммом ишламаган? Шунчаки, сув етмаган эмиш, қудуқдан сув тортадиган насослар қизиб кетаётган эмиш.

Аслида, асосий сабаб — ҳафсала. Ҳафсаласизлик! Кимдир жон куйдириб, катта меҳнатлар эвазига бунёд этиб қўйган, халқнинг соғлиғи гарови ва жонининг роҳати бўлган шундай «объект» янги раҳбарларнинг беҳафсалалиги оқибатида қаровсиз ташлаб қўйилган. Ҳолбуки, у колхоз учун даромад манбаи ҳам эди — ишлаган вақтларда йилига 25—35 минг сўм (!) даромад бераётган эди. Бу ерга кўшни колхозлар, ҳатто кўшни районлардан ҳам одамлар атайлаб ювингани келишар эди. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деб шуни айтсалар керак-да.

Бунга яна мисол сифатида йирик объектларга қайтсак, 1984 йил ёзида юқорида таърифланган ёпиқ бассейнни Тошкентдаги завод уч ой муддатга арендага — қарзга олди ва бу ерда 200 бола сув спорти билан шуғулланди, саломатлигини мустаҳкамлади. Завод ҳар бир ойга 10 минг сўмдан жами 30 минг сўм тўлади колхозга.

Муҳташамлиги, ўқиш-ўқитиш учун барча шароитларнинг мавжудлиги билан районда ягона ҳисобланган мактаб қурилишига 1 миллион 620 минг сўм сарфланган эди. Янги мактаб 1983 йилда республика ва область раҳбарлари иштирокида тантанали очилди. Сўнг бу мактаб область халқ маорифи бўлими балансига ўтказилиб, қурилишга кетган пул колхозга тўланди. 840 минг сўмга бунёд этилган пионер лагери ҳам ҳозир «беиш» ётибди. Ҳолбуки, район меҳнаткашларининг болалари уч ой ёз давомида бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқариши ва тарбияланиши учун барча шароитлар мавжуд. Нега шундай бўлмаяпти? Колхозларнинг пули йўқ эмиш! Қаранг, бутун бошли районда мана шу районнинг келажаги бўлмиш болалар саломатлиги учун пул йўқ бўлса-я? Бунга сарфланажак пул район учун денгиздан томчи холос, бу томчини топиш мумкин. Фақат... яна ҳафсала, жонкуярлик керак. Районда, район раҳбарларида келажак авлод тақдири, бахт-иқболи учун худди мана шу нарса етишмаётгани оқибатида тайёр ажойиб боғча ва пионер лагерлари «ўлик» ҳолда ётипти. Пионер лагерининг ярмини «Узколхоззодравница» 420 минг сўм тўлаб сотиб олган, улар бу «ярим»ни ўз балансига олиб, энди бемалол йўлланма сотаверади. Қолган ярми район меҳнаткашларининг болалари учун берилиб, райондаги барча хўжаликлар ҳамкорликда 420 минг сўмни тўлаши керак эди. Бу ҳақда қарор борлигига ва болалар бир мавсум лагерда дам олган бўлишига қарамай ҳамон бу пул тўланганги йўқ.

Ахир район касаба союз ташкилоти шу пулни тўлаб, шундоққина бурнининг остида осмондан тушгандек тайёр пионер лагерини меҳнаткашлар фарзандлари учун хизмат қилдириши наҳот шунчалик қийин бўлса: райондаги 16—17 колхоз-совхоз учун 420 минг сўм муаммоми?

Йўқ, бизнингча, бу ечиб бўлмайдиган муаммо эмас, фақат...

Ҳафсала ва жонкуярлик керак!

Қолаверса, халқнинг — колхозчилар, совхоз ишчилари ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида республика ва Иттифоқ миқёсида қатор қарорлар чиққан, уларни номма-ном саналарни кўрсатиб эслатишнинг ҳожати бўлмаса керак. Районда эса бу қарорларни бажаришга қандай муносабатда бўлинаётгани юқоридаги манзарадан кўриниб турибди.

— Спорт комплекси фойда берадиган бўлиши керак!

Район ижроия комитети раиси Мирзамурод Икромов ва унинг ўринбосари Баҳром Раҳмонқулов билан бу мавзудаги суҳбатимизда мана шу фикр биринчи ўринда тургани, спорт комплексини фойдали қилишнинг эса йўли топилмаётгани ва уни ҳеч ким сотиб олмаётгани янада яққол англашилди.

— Нега энди бу тайёр соғломхонани, албатта бировга сотиш керак? — деймиз ижроком раисига. — Уни колхознинг эмас, районнинг спорт марказига айлантириб қўйиш мумкин эмасми — сарфланган харажатни хўжаликлар тўласин ва район халқи ундан фойдаланаверсин?

— Буни ўйлаб кўриш керак, — дея жавоб берди М. Икромов. — Лекин, районда тўртбештагина колхознинг кассада пули бор, қолган хўжаликлар жами 19 миллион сўм қарз. Бунинг устига колхозда томошабин йўқ, марказ эмас. Бундан ташқари, транспорт масаласи муаммо: кўп колхозларда автобус йўқ, борлари шалоқ. Шунинг учун спорт комплексини хўжаликлар ўртасида пай усулида ишлатсак ҳам ўзини қопламайди: транспорт масаласи ҳал бўлмайди.

Ижроком раиси шу ерга келганда билибмибилмайми бир янгиликни хабар қилди: «Район марказида 1 миллион сўмликдан ортиқ спорт комплекси қурилиши учун лойиҳага буюртма беряпмиз».

— Қизиқ, янгини бу ерда қургандан кўра, ўша тайёрини район спорт маркази қилиб қўяқолмайсизларми?

— Томошабин йўқ, транспорт масаласи қийин, — деди раис яна...

Ростдан ҳам қизиқ эмасми: район марказидан бор-йўғи 10 километр чамаси масофада Иттифоқ Спорт комитети раҳбарларини қувонтирган спорт комплекси қаровсиз ётсинда, район марказида ундан кўра пачоқ бўлиши аниқ бўлган бошқа нусхами миллион сўм сарфлаб қурилса?! Ахир ана шу сарфланажак миллионнинг зиғирдек бир бўлагига транспорт масаласини ҳал қилиб қўяқолиш мумкин-ку. Ўз оёғи билан марказдаги спорт комплексига қатнайдиган ёки марказда яшайдиган спортчилар ва томошабинлар учун «Бўка — «Коммунизм» колхози» маршрути бўйича автобус қатновини йўлга қўйиш миллионли қурилишни амалга оширишдан кўра қийинроқ эканми? Қолаверса, суҳбатдошларимиз «томошабин, томошабин» деган гапни кўп такрорлашди. Спорт комплекси цирк саҳнаси эмас, спорт билан шуғулланишдан мақсад эса бировга томоша кўрсатиш эмас, балки саломатликни мустаҳкамлашдир. Бу мақсад учун томошабиннинг нима ҳожати бор? Ойда, йилда бир неча марта спорт мусобақалари ўтказилганда эса томошабинларнинг ташрифини таъминлаш — қўрқ очишдек қийин ва мураккаб эмас-ку!

Ижроқомда бизга колхоз раисини ўзгартириш режаси ҳал бўлиб қолганини маълум қилишди. Бироқ, янги раис ким бўлишидан қатъий назар, район раҳбарлари ҳал қилолмаётган иш — колхоздаги социал-маданий объектларни халққа хизмат қилдиришни ўлдалашига ишонгимиз келмайди. Қанийди, шу шубҳаларимиз чилпарчин бўлиб, янги раис «тузланган» объектларни ҳаракатга келтириб юборса ва биз башоратимиз ўзини оқлаганидан уялиб қолсак. Ҳозирча эса... бу муаммони кенгроқ — район ва ҳатто область доирасида ҳал қилиш керак, деган фикрни айтишга тўғри келяпти.

Бу объектлар илгариги, бундан уч йил муқаддам ишдан олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган раис даврида, тўғрироғи, унинг ташаббуси билан қурилган эди. Айтишларича, унинг жиноий жавобгарликка тортилишига шу объектлар қурилиши ҳам сабаб бўлибди ва ҳозир у муддатидан анча илгари озодликка чиқиб келибди. Демак, жиноят унчаям оғир эмасдир. Нима бўлганда ҳам, бир неча миллионли бу биноларнинг ҳалқ учун қурилган ва улар... хўжалик усулида, ишбай қурувчилар билан шартнома асосида қурилган. Ким ва қандай қурганидан қатъий назар, халқнинг пулига бунёд этилган бу кошона биноларнинг бугун ташландиқ ҳолатдан чиқиб халққа, фарзандларга хизмат қилиши керак!

Биз журналистлар ўтган ўн йиллар мобайнида қишлоқ маданияти ҳақида гап кетганида замонавий типда қурилган мактаблар, боғчалар, ҳаммомлар, спорт комплекслари йўқлиги ҳақида жар солиб ёздик, ҳамон ёзяпмиз. Юқорида саналганларнинг ҳаммаси ва ундан ҳам ортиги биргина колхозда мужассам-муҳайё бўлганида эса, уларни эплаб ишлатолмаётганларини кўриб ёқа ушлайсан. Ҳўш, бизга, яъни қишлоқ халқига бунақа социал, маданий-маиший объектлар керакми ё йўқ? Сўзсиз, керак. Мана, ол керак бўлса! Лекин улар нега ишлатилмаяпти, нега ишлатолмаяпмиз?

Бу бизнингча, район меҳнаткашларининг туриш-турмуши ишониб топшириб қўйилган бир неча масъул ходимларнинг уқувсизлигидан бошқа нарса эмас. «Коммунизм» колхози ўтмиш ва ҳозир билан келажак тўқнашган жой. Ҳа, эллик йил бўлмаса ҳам йигирма-ўттиз йилдан кейин кўп қишлоқларимиз худди «Коммунизм»дагидай қиёфага эга бўлиши шубҳасиз. «Коммунизм» эса ўз номига муносиб равишда бошқаларга нисбатан илдамроқ келажакка илгарилаб кетибди. Бироқ, келажак билан бу тўқнашув олдида ҳозирги мутасаддилар довдираб туришибди...

**Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.**

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

## КУЧЛИЛАР ЕНГАДИ

**Серик ҚУНОҚБОЕВ, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, Қозоғистон ССР Давлат спорт тренери**

Тошкентда учинчи бор бўлишим. Дастлаб 1981 йили мамлакат чемпионатида иштирок этиш учун келган эдим. Лекин шу йил омадим юришмади. Бетоб бўлиб қолдим. Шу сабабли ҳам чемпионатда қатнаша олмадим. 1984 йили ҳам мамлакат биринчилиги Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бу чемпионатда мен ғолиб чиқдим. Бу йил эса СССР 54-чемпионатида спортчи сифатида эмас, балки давлат тренери сифатида иштирок этмоқдаман.

Хуллас, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент бокс бўйича йирик мусобақалар ўтказиладиган шаҳарлардан бирига айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу ерда кўплаб маҳоратли боксчилар етишиб чиққан. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Руфат Рисқиев, самарқандлик Николай Анфимов, тошкентлик Владимир Шин, Феликс Пак, Борис Ниёзов, ангренлик Зоир Абдуқодиров, фарғоналик Сергей Василенко ва Виктор Юдинлар шулар жумласидандир. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистонда бокс анча сусайиб кетди. Биргина Ринат Тришчевни ҳисобламаганда яққол кўзга ташланадиган боксчилар йўқ. Бу билан мен республикангизда спортнинг мазкур турига эътибор берилмай қўйилди, демоқчимасман, албатта. Аммо ҳақиқий аҳволни тан олиш лозим.

Ташкилий комитет ишига келсак, улар чемпионатга анча пухта тайёргарлик кўришган. Бу чемпионатнинг дастлабки кунларидаёқ маълум бўлди.

Мен ўзбекистонлик боксчиларга ушбу чемпионатда муваффақиятли иштирок этиб, ўзларининг илгариги анъаналарини давом эттиришларини тилайман.

## УЧРАШУВ БЎЛДИ, НАТИЖАСИ...: КЕЧИКТИРИЛДИ

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Юбилей» спорт саройида бокс бўйича мамлакат чемпионати мусобақаларида деярли содир бўлмайдиган воқеа юз берди. Республикамиз вакили Э. Бойжонов билан белоруссиялик В. Яновский олишуви ниҳоятда кескин ўтди. Вақт ҳам тугади. Лекин судья қайси боксчини қўлини кўтариб, ғолиб деб эълон қилишини билмай узоқ вақт гаранг бўлиб қолди. Ринг атрофидаги ҳакамлар ҳам, учрашувнинг асосий судьяси ҳам узоқ мунозарадан сўнг... натижани эртаси кун эълон қилишга қарор қилишди. Нима ҳам деймиз. Шунақаси ҳам бўлар экан-да...

Ўтган куни рингга жами 25 жуфтлик тушди. Улар орасида қатнашган И. Раҳимжонов арманистонлик Х. Хэдрянга, Қ. Раҳимов РСФСР вакили С. Уфимцовга, Т. Иброҳимов арманистонлик С. Шахпазянга, Ф. Яковлев қозоғистонлик Т. Бердибековга ютқазди. Фақат бир вакилимиз Т. Исронлов ленинградлик А. Саборни мағлуб этди.

## ГАТАУЛИННИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

● ВИЛЬНЮС шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда тошкентлик Родион Гатаулин лангар билан сакрашда 5 метр 90 сантиметрлик маррани забт этди. Бу мавсумда спорт залларида жаҳонда эришилган энг юксак натижадир.

## ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

● СИЛИГУРИ шаҳрида Жавоҳарлал Неру хотира совғини учун футбол бўйича еттинчи халқаро турнир давом этмоқда. СССР Олимпия терма командаси Хитой Халқ Республикаси футболчилари билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келди ва уч ўйинидан сўнг олти очко билан пешқадамлик қилмоқда. Командамиздан тўпларни Коливанов ва Бородюклар киритди.

**БИЛДИРИШ**

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 28 январь куни кеч соат 18.00 да бўлади.

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**СССР МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТ БЕРИШ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**ОМОНАТЛАРНИ НАҚД ПУЛСИЗ ЖАМҒАРМА ЙЎЛИ БИЛАН ТЎЛДИРИБ БОРИШ ТЎҒРИСИДА**

**СССР меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банки шахсий бюджетингизни тўғри ташкил қилишда, меҳнат жамғармаларингиздан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишингизда Сизга яқиндан ёрдам кўрсатади.**

Омонатларни банкдаги шахсий счетингизга нақд пул тарзда қўйиш билан бир қаторда, оладиган даромадларингиздан пул ўтказиб бориш йўли билан ҳам қўйишингиз мумкин.

Нақд пулсиз жамғарма қўйиш йўли билан омонатларни тўлдириб бориш учун ўзингиз ишлаётган корхонаташкилот ёки колхоз бухгалтериясига даромадларингиздан маълум бир қисмини мунтазам равишда шахсий счетингизга ўтказиб бориш тўғрисида ариза бериш зарур.

Омонатга: ойлик маошингизнинг маълум бир қисмини, кўп йил ишлаганлик учун бир йўла бериладиган мукофот пулини, колхозчиларнинг меҳнат даромадларини, пенсияларни, аҳолининг давлатга сотган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун олган пул маблағларини, страхование пулини, комиссион магазинлар орқали сотилган буюм ва нарсалар учун олинган пулларни ва ҳоказо маблағларни қўйиш мумкин.

Нақд пулсиз жамғарма қўйиш билан омонатларни тўлдириб бориш бўш вақтингиздан унумли фойдаланиш имконини беради.

СССР МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТ БЕРИШ БАНКИ.

**«КИЕВ—35 А» АВТОМАТ ФОТОАППАРАТИ**

**энсиз пленкали** (кадр формати 24х36 мм), **марказий затворли аппаратдир.** У видержкани секундининг 1/500 улушидан 4 секундгача вақт ичида босқичсиз амалга оширади. Оғирлиги атиги 200 грамм бўлиб, уни кўкрак чўнтагида олиб юриш ҳам мумкин.

**«Киев-35 А» кенг фотоҳаваскорлар доирасига мўлжалланган.**

Баҳоси — 85 сўм.

«АРСЕНАЛ ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

**Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг**

33-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ИИҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА**

**1988-ўқув йилига**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Машғулотлар — 1 февралда бошланиб, 6 ой давом этади.**

Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг шаҳарга яқин районларида яшайдиган ўрта маълумотли кишилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 65 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 50 процент иш ҳақи берилади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** паспорт, ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, яшаш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ариза, 4 донадан 3х4 см. ва 4х5 см. катталикдаги фотосурат.

**Адрес:** 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

(«Ташкентская правда»)

Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

Р. 00355. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. А. 1531. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12